

<https://hstryres.uz/journal/index.php/makro>

2024, № 2 (4)

ISSN-3030-3761



ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР

Илмий журнали

ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ

Научный журнал

HISTORICAL RESEARCHES

Scientific journal

ТОШКЕНТ-2024

ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИСТОРИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
HISTORICAL RESEARCHES

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Сулейманов Рустам Хамидович
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосори:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief editor:

Шакиров Ильяс Рахимзянович
т.ф.ф.д., (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ
РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ
EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Академик

Ўзбекистон Миллий университети

Муминов Алишер Гаффарович
Сиёсий фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Зуев Андрей Сергеевич
тарих фанлари доктори, профессор
Новосибирск Давлат университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Холиқулов Ахмад Баймахаматович
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Габриэльян Софья Ивановна
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Убайдуллаева Барно Машрабжонова
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Очилдиев Файзулла Бобокулович
тарих фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Сиддиков Равшан Бердимуратович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Нарбеков Абдикамил Вафаевич
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Тухтабеков Козимбек Азимбекович
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Бабабеков Акбар Давурбаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Замонов Акбар Тургинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), профессор
Тошкент халқаро Кимё университети

Кандахаров Анваржон Хасанович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Холиқулова Шахноза Боймухамматовна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Навоий Давлат педагогика институти

Нормуродов Дильмурод Рахматуллаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Алиназарова Дилдора Валишеровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Тоғаев Жасур Эркинович
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Усаров Умид Абдумавлянович
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Абдулаева Нигора Санжаровна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети

Эгамбердиева Гузаль Акрамжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўзбекистон Миллий университети

Контакт редакции журнала
Город Ташкент, улица Мирзо Голиба,
Исторический факультет Национального
Университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека
Web: <https://hstryres.uz/journal/> ; E-mail:
I.Shakirov91@mail.ru
Тел: +998900382203

Contact Editors of journal
Tashkent city, street of Mirzo Golib
Faculty of history of the National university of
Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
Web: <https://hstryres.uz/journal/> ; E-mail:
I.Shakirov91@mail.ru
Phone: +998900382203

МУНДАРИЖА/СОДЕРЖАНИЕ/CONTENT

1. Адилов Аброр Анварович СОВЕТ ХОКИМИЯТИНИНГ ИЛК ДАВРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА АМАЛГА ОШИРГАН ДИНИЙ СИЁСАТИДАГИ ВАКФ МАСАЛАСИ	4
2. Abduraxmonova Kamolaxon Ravshanjon qizi TIBBIYOT ANTROPOLOGIYASI O'RGANILISH TARIXSHUNOSLIGI	20
3. Бахранов Шерзад Таштурсунович., Сирлиев Эркин Назарович ИЗ ИСТОРИИ ТАМОЖЕННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В РУССКО-СРЕДНЕАЗИАТСКОЙ ТОРГОВЛЕ	34
4. Замонов Акбар Тургинович ШАЙБОНИЙ АБДУЛЛАХОН ШАХСИЯТИ ВА УНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ	45
5. Qodirova Ra'no Mamirjonovna O'ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA 1930-YILLARNING IKKINCHI YARIMIDA TARIX FANINI O'QITILISHI	60
6. Maxmudova Muazzamxon Sultonmaxmudovna TEMURIYLAR SALTANATIDA SUG'ORISH TIZIMI MASALALARINI ROSSIYA IMPERIYASI VA SOVET DAVRI MANBALARIDA YORITILISHI	70
7. Нормуродов Дилмурод Рахматуллаевич XV – XVI АСРНИНГ БОШЛАРИГА ОИД “ЯНГИ САНГАНАК” ХАЗИНАСИДАГИ САМАРҚАНД ТАНГАЛАРИ ХУСУСИДА	79
8. Рахманова Одинахон Равшанбековна САММАРСКИЙ ПЕРИОД ВО ВРЕМЕНА ПРАВЛЕНИЕ ХАЛИФОВ АЛЬ-МУТАСИМА И АЛЬ- ВАСИКА	93
9. Сиддиков Равшан Бердимуратович ОЛИЙ ТАЪЛИМНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ	101
10. Примов Мухиддин Омонович ЎЗБЕКИСТОНДА КАРТОГРАФИЯ МУТАХАССИСЛИКЛАРИ ОЧИЛИШИ ВА КАРТОГРАФ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАСИГА ДОИР	118
11. Hakimova Shoiri Sag'dullayevna O'ZBEKISTON ELEKTROENERGETIKA SANOATIGA XORIJY SARMOYALARNING JALB ETILISHI	135
12. Hakimova Saida Baxtiyorovna O'TOSHKENT BEKLIGI T. BURNASHEV VA M.POSPELOV NIGOHIDA	150
13. Shamsiyeva Maxfuzaxon Xuja qizi HAZRATI IMOM MAJMUASIGA TARIXIY SAYYONAT	156
14. Юнусова Хуршида Эркиновна ЎЗБЕКИСТОН ИЖТИМОЙ ҲАЁТИГА СОВЕТ МАФКУРАГА МОСЛАШТИРИЛГАН ЯНГИЧА УРФ ОДАТЛАРНИНГ КИРИБ КЕЛИШИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР	162

Нормуродов Д. Р.

PhD., доцент

Ўзбекистон Миллий университети

d.n.normurodov@mail.ru

XV – XVI АСРНИНГ БОШЛАРИГА ОИД “ЯНГИ САНГАНАК” ХАЗИНАСИДАГИ САМАРҚАНД ТАНГАЛАРИ ХУСУСИДА АННОТАЦИЯ

Мақолада 2021 йилда Тошкент вилояти, Паркент тумани, “Янги Санганак” маҳалласидан топилган 1810 мис тангалардан Самарқандда зарб қилинган 655 дона тангаларнинг тавсифи ва таҳлилига бағишланган бўлиб, бу тангалар 11 турдан иборатлиги, улар 1420 йил Мирзо Улуғбек, XV асрнинг охирларида темурийлардан Султан Аҳмад, Султон Маҳмуд, Бойсунғур Мирзо, Султон Али Мирзо, Бобур Мирзо даврида ва XVI асрнинг биринчи ўн йиллигида Муҳаммад Шайбонийхон (171 донаси) даврида зарб қилинганлиги қайд қилинган.

Калит сўзлар: Тошкент, “Янги Санганак”, мис, танга, Самарқанд, зарб, темурийлар, Шайбонийхон, ҳижрий, милодий.

Нормуродов Д. Р.

PhD., доцент

Национальный университет Узбекистана

d.n.normurodov@mail.ru

О САМАРКАНДСКИХ МОНЕТАХ ИЗ КЛАДА XV – НАЧ. XVI ВЕКА, НАЙДЕННОГО В МАХАЛЛЕ «ЯНГИ САНГАНАК». АННОТАЦИЯ

В данной статье даётся описание и анализ 655 монет, отчеканенных в Самарканде, входивших в состав 1810 медных монет, из клада найденного в махалле Янги Санганак Паркентского района Ташкентской области в 2021 году. Показано, что эти монеты по происхождению делятся на 11 типов. Часть из них была отчеканена в 1420 году Мирзой Улугбеком, остальные – в конце XV века в период правления следующих Тимуридов: Султан Ахмад, Султан Махмуд, Бойсунгур Мирза, Султан Али Мирза, Бабур Мирза. И 171 монета были произведены в первое десятилетие XVI века во время правления

Мухаммада Шайбани-хана.

Ключевые слова: Ташкент, «Янги Санганак», медь, монета, Самарканд, монетный чекан, Тимуриды, Шайбани-хан, хиджра, христианская эра.

Normurodov D. R.

PhD., Associate professor

National university of Uzbekistan

d.n.normurodov@mail.ru

**ABOUT SAMARKAND COINS FROM TREASURE OF XV –
BEGINNING XVI CENTURY, FOUND IN THE «YANGI SANGANAK»
MAHALLA
ABSTRACT**

This article provides a description and analysis of 655 coins minted in Samarkand, which were part of 1810 copper coins, from a treasure found in the Yangi Sanganak mahalla, Parkent district, Tashkent region in 2021. It is shown that these coins are divided into 11 types based on their origin. Some of them were minted in 1420 by Mirza Ulugbek, the rest - at the end of the 15th century during the reign of the following Timurids: Sultan Ahmad, Sultan Mahmud, Boysungur Mirza, Sultan Ali Mirza, Babur Mirza. And 171 coins were produced in the first decade of the 16th century during the reign of Muhammad Shaybani Khan.

Key words: Tashkent, “Yangi Sanganak”, copper, coin, Samarkand, coinage, Timurids, Shaibani Khan, hijra, Christian era.

КИРИШ

Тошкент вилояти, Паркент тумани, “Янги Санганак” қишлоқ фуқаролари йиғинида яшовчи Имомали Боймақов ўз ҳовлисида иссиқхона қуриш учун томонлари 20x10 м, чуқурлиги 1,8 м келадиган ерни қазиб тайёрланган. Ушбу майдоннинг шимоли-ғарбий ёнидаги 50-60 см чуқурликдан мис танга солинган сопол кўзага дуч келинган. Кўза олинаётганда бўлақларга бўлиб, унинг ичига солиб қўйилган мис тангалар сочилиб кетган. Топилманинг ноёблигини тушуниб етган уй эгаси И. Боймақов 2021 йилнинг 11 март куни Темурийлар тарихи давлат музейи хабар берди. Шундан сўнг ишчи гуруҳ тузилиб, кўрсатилган манзилда текшириш ишлари олиб борилди. Натижада, тангаларнинг топилиши пайтида Ш. Дўстов ва М. Убайдуллаевлар ҳам

бўлгани, турли жойлардаги тупроқ орасидан икки дона занг босган темир ўроқнинг иш (ўриш) қисми топилгани маълум бўлди. Шунингдек, текшириш пайтида иссиқхона учун қазилган майдоннинг бошқа жойларидаги тупроқлар орасидан сирли ва сирсиз сопол буюмларнинг синиқлари кузатилди.

Топилма аниқланган жойда қидириш-текшириш ишлари олиб борилиши тупроқлар орасидан яна бир қанча сирли ва сирсиз сопол буюмларнинг парчалари борлиги кўрсатди. Сўнг узок йиллар давомида сув ва намликда сақлаиб келганлиги сабабли оксидланиб, емирилиб кетган ва давлатга топшириш учун олиб қўйилган тангалар ҳолис гувоҳлар иштирокида санокдан ўтказилди. Улар 1810 дона экани аниқ бўлгач тегишли тартибда Темурийлар тарихи давлат музейига олиб келинди. Топилмани аниқлаган шахсга комиссиянинг ҳулосасига кўра мукофатланди.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Музейга қабул қилиб олинган янги хазинага унинг топилган жойи инобатга олиниб “Янги Санганак” хазинаси, деб ном берилди. Топилган ва қабул қилиб олинган пайтдаги ҳолатидан уларда қандай безак ва ёзувлар борлигини аниқлаш мушкул эди. Трилон В кимёвий моддаси ёрдамида оксидлардан тозалангач бу тангалардан 655 донасининг Самарқандда зарб этилганлигини аниққ бўлди. Бу тангаларга туширилган саналарга кўра улар жуда таҳликали, нотинч даврда, ҳижрий 823 (милодий 1420) йилдан – 909 (милодий 1503–1504) йилларгача бўлган пайтда зарб қилинган ва муомалада бўлган. Уларнинг аксанияти XV асрнинг охирида зарб қилинган бўлиб, бу пайтда темурийлар орасидаги ички зиддиятлар, тахт учун курашлар натижасида Амир Темурдан қолган мерос бир қанча бўлақларга бўлиб кетган эди. Номига пойтахт бўлиб қолган Самарқандда деярли ҳар йили янги ҳукмдорлар алмашиб турган. Аммо, маълум бўлишича, тахтга шахзодаларнинг алмашиб туришидан қатий назар бир хил турдаги мис тангалар муомалага чиқарилган. Уларда бир томонига араб ҳарфларида зарб қилинган жойи яъни, “зарб(и) Самарқанд”, иккинчи томонига зарб қилинган санаси араб ёзуви ва тилида сўз билан бўртма шаклда туширилган. Кам

сонли тангаларда абжад (сўз) билан ёзувилган санадан ташқари рақам билан ҳам акс эттирилган. Булардан ташқари, тангаларнинг умуман санаси йўқлари ҳам кўпчиликини ташкил қилади.

“Янги Санганак” хазинасидаги каби темурийлар ва Муҳаммад Шайбонийхон даврига оид мис тангалар Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларидан топилган бўлиб, уларни ўрганишда археолог ва тангашунослардан М. Е. Массон [1], Е. А. Давидович [2], Л. Ю. Шпенёва [3; 4], А. М. Камишев [5], Р. З. Бурнашева [6], Д. Давлатходжа [7] ларнинг хизматлари каттадир. Жумладан, Е. А. Давидовичнинг “Ўрта Осиёнинг ўрта асрлардаги пул муомаласи тарихи (Мовароуннахрнинг XV – XVI асрнинг биринчи чорагидаги мис тангалари)” га бағишланган монографиясида XV – XVI асрнинг биринчи чорагида Самарқандда зарб қилинган 47 турдаги мис тангаларни батафсил тавсиф ва таҳлил қилган [8]. Шу ва юқорида номлари санаб ўтилган тадқиқотчиларнинг ишлари “Янги Санганак” хазинасидаги Самарқанд тангаларини турларга бўлиш, тавсифлаш ва таҳлил қилишда асос қилиб олинди.

“Янги Санганак” мис тангалар хазинасидаги Самарқандда зарб қилинган тангаларнинг ҳар иккала томони ҳам зарб уриш йўли билан бўртма кўринишдаги безак ва ёзувлар ҳосил қилинган. Афсуски, бирорта тангада бу шакллар ва ёзувлар тўлиқ тушмаган. Тангаларга туширилган бундай безак ва ёзувларнинг бир қисми текисланиб кетган. Шу сабабли уларни аниқлашда қийинчиликлар юзага келади. Шунингдек, тангаларнинг ўлчам ва оғирликлари ҳам бир-биридан оз бўлсада фарқ қилади. Улар безак ва ёзувларининг ўзига хос кўринишига кўра 11 турдан иборат (1-жадвал) бўлиб, ҳар бир тури қуйидагича тавсифга эга:

1-тури. 3 дона бўлиб, улар ҳижрий 823 (милодий 1420) йилда зарб қилинган (1.1-расм). Тангаларнинг диаметри 18–22 мм, оғирлиги эса 4,26–4,56 гр.ни ташкил қилади.

Тангаларнинг олд томони (AV):

иккита учбурчакнинг бир-бири билан қўшилишидан беш қиррали юлдузча ҳосил қилинган. Юлдузчанинг қирралари учбарчак ва уларнинг

ичида биттадан нуқтачалар бор. Беш юлдузчанинг ўрта қисмида олти бурчакли шакл ҳосил бўлган. Унинг ўртасида битта нуқтача ва бу нуқтачадан олти бурчакка томон олти чизиқча тортилган. Ҳар бир чизиқчаларнинг орасида биттадан, жами олти нуқтачаларси бор. Беш юлдузчанинг четларида айланасига араб ёзувида “зарб(и) Самарқанд (ضرب سمرقند)” ёзуви туширилган. Аммо бу ёзувлар тангага тўлиқ тушмаган, тушганлари ҳам ўчиб кетган.

Танганинг орқа томони (RV):

Сўз билан танганинг зарб қилинган санаси туширилган.

2-тури. 181 дона бўлиб, улардан 47 донаси ҳижрий 898 (милодий 1492–1493) йилда, 38 донаси ҳижрий 899 (милодий 1493–1494) йилда зарб қилинган (1.2-расм). Текисланиб кетганлиги туфайли қолган 96 дона бу турдаги танганинг зарб қилинган йилини аниқлашнинг имкони бўлмади. Уларнинг ўртача диаметри 23–25 мм, оғирлиги эса 4,6–4,7 гр.дан иборат.

Тангаларнинг олд томони(AV):

Чети нуқтачалар ва ҳалқа билан ўралган бўлиб, ўрта қисмидаги баргсимон безак билан ўралган айлана ҳошия ичига “зарб(и) Самарқанд (ضرب سمرقند)” ёзуви туширилган.

Тангаларнинг орқа томони(RV):

Чети нуқтачалар ва ҳалқа билан ўралиб, унинг ичида сўз билан танганинг зарб қилинган санаси туширилган.

3-тури. 118 дона бўлиб (1.3-расм), улардан 4 донаси ҳижрий 899 (милодий 1493–1494) йил, 68 донаси ҳижрий 900 (милодий 1494–1495) йил зарб қилинган. Текисланиб кетганлиги туфайли қолган 46 дона танганинг зарб қилинган йилини аниқлашнинг имкони бўлмади. Бу турдаги тангаларнинг диаметри 21–27 мм оралиғида, оғирлиги эса ўртача 4–5 гр дан иборат.

Тангаларнинг олд томони(AV):

Чети нуқтачалар ва ярим ҳалқа билан ўралган. Ўрта қисмида тўрт атрофи шохсимон безалган икки қаторли тўртбўрчакларнинг бир – бирига туташishi

натижасида ҳосил бўлган квадрат ҳошия ичига “зарб(и) Самарқанд (ضرب سمرقند)” сўзи туширилган.

Тангаларнинг орқа томони (RV):

Чети нуқтачалар ва ҳалқа билан ўралган бўлиб, ичига танганинг зарб қилинган санаси сўз билан туширилган (а – варианты) ва сўз ҳамда рақам билан туширилган (б – варианты)лари бор.

4-тури. 11 дона бўлиб, улар ҳижрий 906 (милодий 1500–1501) йилда зарб қилинган(1.4-расм). Бу турдаги тангаларнинг ўртача диаметри 23–25 мм, оғирлиги эса 6,4 гр ни ташкил қилади.

Тангаларнинг олд томони (AV):

Чети нуқтача ва ҳалқа билан ўралган. Ўрта қисмида атрофи ўсимлик баргсимон безак билан ўралган чўзиқроқ ҳошия ичига “зарб(и) Самарқанд (ضرب سمرقند)” ёзуви туширилган. Улар икки: ҳошия ичига ҳижрий 906 (милодий 1500–1501) йили туширилган (А вариант) ва сана туширилмаган (Б вариант) хилларига ажралади.

Тангаларнинг орқа томони (RV):

Чети нуқтача ва ҳалқа билан ўралган. Унинг ичида ўсимлик баргли новдаларнинг бир-бирини кесишиб ўтган кўринишдаги безаклари бор.

5-тури. 10 дона бўлиб, улар ҳижрий 906 (милодий 1500–1501) йилда зарб қилинган(1.5-расм). Бу турдаги тангаларнинг ўртача оғирлиги 4,5 гр ни ва диаметри 20–24 см ни ташкил қилади.

Тангаларнинг олд томони (AV):

Чети нуқтачалар ва ҳалқа, ўрта қисмида тўрт атрофидан безак берилган тўртбурчаксимон (бурчак-қирралири ташқарига кенгайган) ҳошия ичида “зарб(и) Самарқанд (ضرب سمرقند)” ёзуви туширилган бўлиб, уларнинг рақам билан ҳижрий 906 (милодий 1500–1501) йил туширилган (А вариант) ва сана туширилмаган (Б вариант)лари бор.

Тангаларнинг орқа томони (RV):

Чети нуқтачалар ва ҳалқа билан ўралиб, унинг ичида сўз билан танганинг зарб қилинган санаси туширилган.

6-тури. 19 дона бўлиб, улар ҳижрий 906 (милодий 1500–1501) йилда зарб қилинган (1.6-расм). Бу турдаги тангаларнинг ўртача оғирлиги 4,6 гр ни ва диаметри – 22-25 см ни ташкил қилади.

Тангаларнинг олд томони (AV):

Чети нуқтачалар ва ҳалқа билан ўралган. Ўрта қисмида тўрт атрофидан икки ёни кенгайган доира кўринишидаги ҳошия ичига “адл ширмард (عدل شیر مرد)” ҳамда ҳошия ташқарисининг айланасига “зарб балад Самарқанд (ضرب بلد سمرقند)” ёзуви туширилган.

Тангаларнинг орқа томони (RV):

Чети нуқтачалар ва ҳалқа билан ўралиб, унинг ичида сўз билан танганинг зарб қилинган санаси туширилган.

7-тури. 171 донадан иборат бўлиб (1.7-расм), улардан 99 донаси ҳижрий 907 (милодий 1501–1502) йил, 7 донаси ҳижрий 908 (милодий 1502–1503) йил, 4 донаси ҳижрий 909 (милодий 1503–1504) йил зарб қилинган. Текисланиб кетганлиги туфайли қолган 61 донасининг зарб қилинган йилини аниқлашнинг имкони бўлмади. Бу турдаги тангаларнинг ўртача диаметри 23–25 мм, оғирлиги эса 4,6–4,7 гр ни ташкил қилади.

Тангаларнинг олд томони (AV):

Атрофи баргсимон безак билан ўралган учбурчак шаклдаги ҳошия ичига “зарб(и) Самарқанд (ضرب سمرقند)” ёзуви туширилган.

Тангаларнинг орқа томони (RV):

Чети нуқтачалар ва ҳалқа билан ўралиб, унинг ичида сўз билан танганинг зарб қилинган санаси туширилган. Айримларида ёзув билан бирга зарб қилинган йилининг рақамда (ҳижрий 907 йил) берилганлари ҳам бор.

8-тури. 126 донадан иборат бўлиб, уларнинг зарб қилинган йили ноаниқ (1.8-расм). Тангаларнинг ўртача диаметри 23–25 мм, оғирлиги эса 4,6–4,7 гр ни ташкил қилади.

Тангаларнинг олд томони (AV):

Атрофи ўсимлик новдали барглар билан ўралган олтияпроқ шаклдаги ҳошия ичида “зарб(и) Самарқанд (ضرب سمرقند)” ёзуви туширилган.

Тангаларнинг орқа томони (RV):

Чети нуқтачаларва ҳалқа билан ўралган. Ўртасида атрофи ўсимлик новдали барглар билан ўралган тўрт япроқ (паррак) шаклидаги безаги бор.

9-тури. 7 дона бўлиб, уларнинг зарб қилинган йили ноаниқ яъни, туширилмаган (1.9-расм). Уларнинг ўртача диаметри 20–25 мм оралиғини, оғирлиги эса 2,6–2,7 гр ни ташкил қилади.

Тангаларнинг олд томони (AV):

Чети нуқтачалар ва ҳалқа билан ўралган ўралган. Ўрта қисмида атрофи ўсимлик барги билан бўлган ва тўрт бурчаги ташқи томондан занжирсимон ўрама ҳосил қилинган кавдрат ҳошия ичида араб ҳарфларидаги “зарб(и) Самарқанд (ضرب سمرقند)” ёзуви туширилган.

Тангаларнинг орқа томони (RV):

Чети нуқтачалар ва ҳалқа билан ўралган. Ўрта қисмидаги бешяпроқли гул шаклидаги безак новдаги ўсимлик барги билан ўралган.

10-тури. 2 дона бўлиб, уларнинг зарб қилинган йили ноаниқ (1.10-расм). Бу турдаги тангаларнинг оғирлиги 4,69–4,7 гр ни ва диаметри 22–25 см ни ташкил қилади.

Тангаларнинг олд томони (AV):

Қавариқ шаклдаги атрофи баргсимон безак билан ўралган ҳошия ичига “зарб(и) Самарқанд (ضرب سمرقند)” ёзуви туширилган.

Тангаларнинг орқа томони (RV):

Навдали ўсимлик бариглари билан безатилган.

11-тури. 7 дона бўлиб, уларнинг зарб қилинган йили туширилмаган (1.11-расм). Бу турдаги тангаларнинг оғирлиги 4,6–4,7 гр ни ва диаметри 22–25 см ни ташкил қилади.

Тангаларнинг олд томони (AV):

Чети нуқтачалар ва ҳалқа билан ўралган. Ўрта қисмида тепа ва пастининг ташқи томони баргсимон безалшган ва ён томонларга чўзилган ҳошия ичига “зарб(и) Самарқанд (ضرب سمرقند)” – деган ёзув туширилган.

Тангаларнинг орқа томони(RV):

Чети ҳалқа билан ўралиб, унинг ичига ўрта қисмидан тўрт томонга қараб тарқалган навдали ўсимлик туширилган.

ХУЛОСА

Юқоридаги тавсифлардан маълум бўладики, Тошкент вилояти, Паркент тумани, “Янги Санганак” МФЙ дан ер қазииш ишлари пайтида тасодифан топилган мис тангалар хазинаси XV – XVI асрнинг биринчи ўн йиллигига оиддир. Улардан 1-турдаги 1420 йили зарб қилинган тангалар темурий шаҳзода, таниқли мунажжим Мирзо Улуғбекнинг Самарқанд тахтини бошқарган (1409–1449 йиллар) пайтига тегишлидир. Бундай тангалар Мовароуннаҳрда кенг муомалада бўлган. Жумладан, бу тангаларнинг бир қанча намунаси Жанубий Қозоғистон ҳудудидан топилган [9]. Тавсифланган тангалар орасида энг кўпи бўлган 2-турдаги тангалар 1-турдаги тангалардан 72 йил кейин Самарқандда зарб қилинган. Уларнинг вазни 1-турдагилардан бироз (0,4 – 0,5 гр) оғирроқ. Бу турдаги тангаларнинг ҳижрий 897 (милодий 1491–1492) йилда зарб қилинганлари ҳам аниқланган [10]. 1491–1494 йилларда зарб қилинган 2-турдаги тангалар Мовароуннаҳр султони, темурий Абу Саиднинг ўғиллари Султон Аҳмад (1469–1494) даврига тўғри келади [11]. 3-турдаги, сонига кўра учинчи ўринни эгаллаган тангаларнинг турли ҳудудлардан ҳижрий 901 (милодий 1495–1496) йил зарб қилинганлари ҳам аниқланган [10]. Бу турдаги тангаларнинг зарб қилиниши Султон Аҳмад вафотидан кейин Самарқанд ҳокими бўлган укаси, Султон Маҳмуд Мирзо (1494–1496 йиллар) даврига тўғри келади [10. 1496 йилда Султон Маҳмуд вафотидан сўнг тириклигида Бухоро ҳоким қилиб қўйган ўғли Бойсунғур Мирзо икки марта Самарқандни эгаллайди. Унинг бу жойдаги ҳукмронлиги узоқ давом этмаган. Чунки, шу пайида темурий шаҳзодалар – ака-укалар ўртасида тахт учун талаш авжига чиққан эди. Аммо қисқа муддада бўлса-да Бойсунғур Самарқандни эгаллаган пайтда отаси давридаги каби турдаги тангаларни ҳам зарб қилдирган [12]. 4–6-турлардаги тангалар 1500–1501 йилда зарб қилинган бўлиб, бу Самарқанд тахтидаги нотурғунлик билан боғлиқ ҳодисадир. Маълумки, бу пайтда Самарқанд Султон Маҳмуднинг яна

бир ўғли Султон Али Мирзо (1496–1501 йил), Бобур Мирзо (қисқа вақт) ва Муҳаммад Шайбонийхонлар қўли остига бўлган [13]. Шу бир йилда 3 турдаги тангалар зарб қилинган. 7-турдага сонига кўра иккинчи ўринни эгаллаган тангалар 1501–1504 йилларда Муҳаммад Шайбонийхон хукмронлиги даврида зарб қилинган [13]. Қолган 8–11-турдаги тангаларда уларнинг зарб қилинган йили туширилмаган. Аммо, улардан 11-тардаги тангаларга айнан ўхшаш бўлган, олд томонида рақамда зарб қилинган йили туширилганлари Тошкент вилояти, Оҳангарон туманидан [14], Тожикистон Республикаси, Суғд (Лелинобод) вилоятидан ва Ганчин туманидаги Нурияк қишлоғидан [15; 16] топилган. Улар хижрий 901–902 (милодий 1495–1497) йилларда зарб қилинган. Бу сана туширилмаган тангаларнинг айримлари шу йилларнинг сўнг, хижрий 906 (милодий 1500–1501) йилгача бўлган ораликда зарб қилинган бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Балки кейинги тадқиқотларда бунини аниқлашнинг имкони бўлар.

Хуллас, “Янги Санганак” мис тангалар ҳазинаси 11 турдан иборат Самарқанд тангалари Мовароуннахрни бошқарган темурийлар ва Муҳаммад Шайбонийхон даврида зарб қилинган бўлиб, улар ушбу сулоларнинг танга-пул сиёсати бўйича маълумотлар доирасининг кенгайишига ёрдам беради. Шунингдек, мазкур тангалар Темурийлар тарихи давлат музейи кўргазмаларидан жой олгач, уларни ташрифчиларга тушунтириб беришда ушбу тадқиқотдан маълум даражада фойдаланиш мумкин.

ИҚТИБОСЛАР / СНОСКИ / REFERENCES


1. Массон М. Е. Клад медных монет XV века из Оша // ЭВ. XIII. – Москва–Ленинград, 1960. – С. 110–124.
2. Давидович Е.А. История денежного обращения средневековой Средней Азии (медные монеты XV – первой четверти XVI в. в Мавераннахре). – Москва, 1983. 391 стр.
3. Шпенёва Л.Ю. Клад медных монет конца XV – начала XVI в. из Ташкентской области // Нумизматика Узбекистана. – Ташкент, 1990. – С. 100–115.

4. Шпенёва Л. Ю. Денежное обращение Ферганы и Шаша в эпоху Тимуридов (медные монеты XV – нач. XVI в.). Автореф. Канд. дис... к.и.н. – Ташкент, 1997.
5. Камышев А.М. Клады медных монет темуридов и шейбанидов. – Самарканд: МИЦАИ, 2013. – 176 с.
6. Бурнашева Р.З. Денежное обращение в городах Южного Казахстана в XV–XVIII вв. (Историка-нумизматическое исследование). – Туркистан, 2006. – С. 21.
7. Довуди Д. Денежное обращение древнего и средневекового Хатлана (V в. до н. э. – нач. XX в. н. э.). – Душанбе, 2006. – С. 261–277.
8. Давидович Е.А. История денежного обращения средневековой Средней Азии (медные монеты XV – первой четверти XVI в. в Мавераннахре). Москва, 1983. – С. 70–78.
9. Бурнашева Р.З. Денежное обращение в городах Южного Казахстана в XV–XVIII вв. (Историка-нумизматическое исследование). – Туркистан, 2006. – С. 21.
10. Давидович Е.А. История денежного обращения средневековой Средней Азии (медные монеты XV – первой четверти XVI в. в Мавераннахре). – Москва, 1983. – С. 72.
11. Eshov B. O‘zbekistonda davlat va mahalliy boshqaruv tarixi. – Toshkent, 2014. 103-bet.
12. Давидович Е.А. История денежного обращения средневековой Средней Азии (медные монеты XV – первой четверти XVI в. в Мавераннахре). Москва, 1983. – С. 189.
13. Давидович Е.А. История денежного обращения средневековой Средней Азии (медные монеты XV – первой четверти XVI в. в Мавераннахре). Москва, 1983. – С. 199.
14. Давидович Е.А. История денежного обращения средневековой Средней Азии (медные монеты XV – первой четверти XVI в. в Мавераннахре). Москва, 1983. – С – С. 72. Тип 11 и С. 69. Рис. 4/11.

15. Давидович Е.А. Денежное хозяйство на территории южного Таджикистана и Узбекистана во втором десятилетии XVI в. (Материалы для характеристики общено и особенного в денежном обращении разных областей Средней Азии) // Труды государственного ордена Ленина исторического музея. Вып. 49. Нумизматический сборник. Часть пятая. Вып. 1. Москва, 1977. – С. 14. Тип 28.

16. Давлатходжа Довуди. Монетные клады Таджикистана – Душанбе: Дониш, 2009. – С. 255, Рис. 1/10 и С. 254. Таб. 11/10.

ИЛОВАЛАР



1-расм. “Янги Санганак” хазинасидаги самарқанд тагаларининг турларидан намуналар. 1) 823 (милодий 1420) йил; 2) хижрий 898 (милодий 1492-1493) йил; 3) хижрий 900 (милодий 1494-1495) йил; 4) хижрий 906 (милодий 1500-1501) йил; 5) хижрий 906 (1500-1501) йил; 6) хижрий 906 (1500-1501) йил; 7) хижрий 907 (милодий 1501–1502) йил; 8-11) ноаниқ.

